

Бизнесингиз ўсишини истайсизми? Бунинг йўлини биздан сўранг.

Дастур ҳақида: ЕТТБнинг Ўзбекистондаги “Кичик бизнес учун маслаҳатлар” (Advice for Small Businesses, ASB) дастури маҳаллий жисмоний ҳамда юридик шахсларга тегишли бўлган, йиллик тушуми 50 миллион еврогача бўлган ёки умумий баланси 43 миллион евродан (сўмдаги эквивалентда) ошмайдиган, ривожланишни кўзлаган хусусий корхоналар ва компаниялар билан ҳамкорлик қилади. Айрим ҳолатларда дастурда иштирок этиш учун корхона ишчилар сонининг юқори чегараси 500 нафар ишчи-ходим бўлиши мумкинлигига рухсат этилади (SME plus).

Дастурнинг мақсади: кичик корхоналарнинг (ЕИ мамлакатларида қабул қилинган таснифлашга мувофиқ) ривожланиши ва муваффақиятга эришишида кўмаклашишга қаратилган. Ушбу дастур турли соҳалардаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўз фаолиятини ривожланишнинг янги поғоналарига олиб чиқишда кўмаклашувчи юқори малакали маҳаллий консультантлар ҳамда халқаро мутахассисларни жалб қилишида амалий ёрдам кўрсатади.

Дастурнинг вазифаси: корхона ривожланиш борасида ўз олдига қўйган мақсадга (ҳуқуқий, солиқ ва бухгалтерия масалаларидан ташқари) эришиш учун “ноу-хау”дан фойдаланиш имкониятини таъминлашдан иборат. ЕТТБнинг Ўзбекистондаги “Кичик бизнес учун маслаҳатлар” дастури қуйидагиларни мақсад қилган компанияларга кўмаклашади:

- ўзининг бозордаги ҳолатини яхшилаш ва бозордаги жозибадорлигини ошириш;
- бошқарув самарадорлигини такомиллаштириш;
- чиқим ва харажатларни пасайтириш;
- сифат ва бошқарув стандартларини жорий қилиш;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

Молиявий кўмак: Донорларнинг молиявий кўмаги асосида, ЕТТБнинг Ўзбекистондаги “Кичик бизнес учун маслаҳатлар” дастури (Advice for Small Businesses, ASB) консультатив лойиҳаларни амалга оширишда умумий харажатларнинг 75% гача бўлган қисмини, халқаро экспертлар жалб қилинган ҳолатда эса, 90% гача қисмини қоплаш имкониятига эга.


ЕТТБнинг Ўзбекистондаги “Кичик бизнес учун маслаҳатлар” дастурида иштирок этиш учун қуйидагилар бизнес субъектларига қуйидаги асосий талаблар белгиланади:

- Компаниянинг иловада келтирилган танлов мезонларига мос келиши (1-илова);
- Корхона томонидан зарурий ҳужжатлар тўпламини тақдим қилиш (2-илова);
- Лойиҳада иштирок этиш учун иловада келтирилган аризани тўлдириш (3-илова);

Алоқа учун маълумотлар:

Дастурда иштирок этиш учун аризаларни қуйидаги электрон почта орқали жўнатиш талаб этилади: alimdias@ebrd.com.

Дастур юзасидан қўшимча маълумотлар олиш учун ЕТТБнинг офисига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: +998 71 140 44 01, ёки моб.: +99890 799 02 96.



www.ebrd.com/knowhow



Европейский банк
реконструкции и развития



Yevropa Ittifoqi

Кичик бизнесга кўмаклашиш фонди
(Италия, Япония, Корея, Люксембург,
Швеция, Швейцария, Хитой Тайбэй ва
АҚШ)

Компанияларни танлаш мезонлари

<i>Компания тури</i>	Ходимлари сони 250 тагача бўлган корхоналар ЕИда кичик ва ўрта корхоналар учун стандарт мезон ҳисобланади. Ўз навбатида, ЕТТБ, лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, ходимлари сони 500 тагача бўлган компанияларни қўллаб-қувватлаш эҳтимолини ҳам кўриб чиқиши мумкин.
<i>Йиллик айланмаси</i>	50 млн. еврогача
<i>Мулкчилик шакли</i>	Компания устав жамғармаси маблағларининг камида 80% қисми хусусий мулкдорларга тегишли бўлиши зарур. Мазкур компания ўзи фаолият олиб бораётган мамлакатда жойлашган ва рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Эгалари маҳаллий фуқаролар, шунингдек, ЕТТБ ўз фаолиятини олиб бораётган мамлакатларнинг фуқаролари бўлган компанияларга ЕТТБ ўзининг молиявий ёрдамини кўрсатади.
<i>Фаолияти давомийлиги</i>	Камида 2 йил муваффақиятли фаолият олиб борган ва даромади ижобий бўлган корхоналар (ЕТТБ алоҳида талабларга жавоб берувчи старт-ап лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин)
<i>Фаолият йўналиши</i>	Ҳарбий мақсадлар маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тамаки маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, қимор (азарт) ўйинлари соҳаси, шунингдек, банк ва сўғурта секторига оид бўлган корхоналардан ташқари барча соҳалар. Бунда, ЕТТБ пиво ва шароб ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштиришни кўриб чиқиши мумкин. ЕТТБ атроф муҳитга зарар келтирувчи лойиҳаларни молиялаштирмайди.
<i>Консалтинг хизматларни кўрсатиш соҳалари</i>	Стратегия, маркетинг, корхонанинг ташкилий тузилмаси, амалий фаолияти, технологиялар, техник ечимлар, сифатни бошқариш, молиявий маблағларни бошқариш, энергиядан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар.
<i>Ишончлилиги</i>	Корхона ва унинг раҳбарияти ишончли бўлиши ва ўз фаолиятига кўра яхши обрў-эътибор қозонган бўлиши зарур. Шу билан бирга, аввал ёки ҳозирда лойиҳани (лоyiҳаларни) амалга оширишга салбий таъсир кўрсатувчи ёки ЕТТБ учун обрў йўқотилиш хавфини келтирадиган суд ишларига алоқадор бўлмаслиги лозим.
<i>Барқарорлиги</i>	Корхона рақобатбардошлиқда устувор жиҳатларга эга, етарлича обрў қозонган ва молиявий ҳолати барқарор бўлиши зарур.
<i>Молиявий мажбурияти</i>	Корхона лойиҳа доирасида жалб қилинадиган консультантнинг хизматлари учун лойиҳа умумий қийматининг 25-75%га тенг миқдордаги ҳақни тўлашга тайёр бўлиши керак.



Европейский банк
реконструкции и развития



Yevropa Ittifoqi

Кичик бизнесга кўмаклашиш фонди
(Италия, Япония, Корея, Люксембург,
Швеция, Швейцария, Хитой Тайбэй ва
АҚШ)

Корхона томонидан тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати

- ✓ Тўлдирилган ариза шакли; (ариза шакли PDF форматда, масъул шахс томонидан имзоланган, корхонанинг муҳри босилган ҳамда имзоланган сана кўрсатилган бўлишлиги зарур)
- ✓ Корхонанинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- ✓ Сўнгги икки йил учун тасдиқланган (солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган) бухгалтерия ҳисоботи (фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, баланс, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот) нусхаси;
- ✓ Компания тасдиқланган низомининг нусхаси;
- ✓ Компаниянинг таъсис шартномаси ёки ягона таъсисчи қарори нусхаси;
- ✓ Таъсисчилар ҳамда корхона директорининг паспортлари нусхаси;
- ✓ Корхонанинг раҳбари тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ;
- ✓ Агар корхона лицензия олишни талаб қиладиган фаолият билан шуғулланса, ушбу фаолият билан шуғулланиш учун берилган лицензия(лар) нусхаси;
- ✓ Кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳақидаги хужжатнинг нусхаси ёки ижара шартномалари нусхалари.

